

# ИЛМ – ФАН: ИННОВАЦИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2022 йил 27 февраль

Шу муносабат билан тарихи узоқ ва шонли Буюк Амир Темур даврларигача бориб тақалган ички ишлар органлари тизими, Президент Халқ қабулхоналари ходимлари ҳам бу ҳаракатнинг асосий фаол иштирокчиларидан бири бўлиб қолади.

## ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

**Д. Норкулов,**
*Турон фанлар академияси академиги, Тошкент тиббиёт академияси профессори, фалсафа фанлари доктори*

**С. Норкулов,**
*Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори*

**Н. Бабаярова,**
*2 - Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси*

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Янги Ўзбекистон тарақиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” мавзусидаги нуткида “Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси жадал ривожланишимизнинг янги боскичини бошлаб беради. Биз бундан буён фаолиятимизни “инсон-жамият-давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этамиз деб алоҳида таъкидлаб, адолат ва конун устуворлиги-халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шартидир”[28], деб ўқтирди.

Жамиятнинг маънавий янгиланиши инсонларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият тушунчаларининг янгиланиши билан боғлиқдир. Маънавий янгиланишга бўлган эхтиёж ва унинг сабаблари мавжуд. Мустақиллик жамиятнинг маънавий янгиланиши ва ҳуқуқий онг асослари конундаги янги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш имкониятини яратиб берганлигидир. Жамиятнинг маънавий янгиланиши “Маънавият” тушунчасининг янгича талқин этиш ва тушуниш билан боғлиқ. “Инсонни инсон киладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида хеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутади”. [29]

Инсонларнинг яратувчанлик фаолиятлари туфайли маданият, яъни маданий борлиқ ва ижтимоий-моддий, маънавий сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар юзага келади. Маданият, яъни маданий борлиқ яратувчанлик фаолиятининг натижалари маданий борлиқнинг асосий қисми сифатида истеъмол қилиниши ва фойдаланиши керак. Акс ҳолда бир бутун маданий борлиқ ҳаракатсиз бўлиб қолади. Ижтимоий фаолият бир бутун маданий борлиқнинг яшаш усули экан, ҳуқуқий фаолият ҳам ҳуқуқий маданиятнинг яшаш усулидир. Жамиятнинг маънавий янгиланишида аҳолининг ҳуқуқий онгини ва маданиятини ўсишида қонунларни ва қонуности ҳужжатларини моҳиятини билиш, ўрганиш муҳум аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2017 йил 7-декабрда “Конституция-эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустахкам фойдеворидир” мавзусидаги нуткида 2017 йилнинг ўзида 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Бу қонунларни билиш ҳуқуқий онгни жамиятнинг маънавий ривожига таъсирини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Чунки субъектнинг ҳуқуқий онг даражаси, ҳуқуқий маданиятини таснифлашда, асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият жамиятнинг манавий ҳаёти билан боғлиқлиги тўғрисидаги турли қарашларни

---

[28] Янги Ўзбекистон газетаси. 2021 йил 7-ноябр

[29] Каримов И. А Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. 19 б.

ижтимоий фалсафада қўллашда турли ёндашувлардан ва унинг унсурларидан фойдаланиш холда амалга ошириш мумкин.

Маданиятнинг умумий назарияси тадқиқ этилганлиги боис яқингача жамиятда шахс ҳуқуқий маданиятини аниқлашда асосан қуйидаги унсурлар ажратиб кўрсатилган: 1) шахснинг ўз ҳуқуқларини билиши, 2) қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмун ва шакли йўналтирилганлигини аниқлаш, 3) уларга нисбатан ҳурматни шакллантириш, 4) қонунийлик ва адолатни ҳис қилишда ўзининг ифодасини топади. Бизнинг фикримизча, шахснинг ҳуқуқий маданиятида ажратиб кўрсатиладиган ушбу унсурлар шахснинг ҳуқуқий онг ва маданиятини субъектив руҳий мезон сифатида тўғри ифодалайди.

Жамият маънавий масалаларининг фалсафий, ижтимоий, руҳий, ҳуқуқий онг билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши муносабати билан шахснинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини кенгроқ кўриш, унинг амалий томонларини алоҳида таъкидлашди, шахснинг ҳуқуқий онг ва маданиятида кўпроқ унсурларни кўрсатиш имконияти пайдо бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни унинг таркибий унсурлари асосида таъриф берадиган бўлсак, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият деганда, кишиларнинг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий саводхонлик даражаси, уларнинг қонунларга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий меъёрларни ижро ва ҳаётга татбиқ эта олиш даражаси, ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз бўлиш қонунларга итоаткорлиги, фоллик ва ташаббускорлик даражасини тушуниш мумкин.

Юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият жамиятнинг маънавий тараққиётини таъминлайди. Дарҳақиқат "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"да кўрсатиб ўтилганидек юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи фуқароларнинг барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда барқарорлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий фаолият кўрсатишнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади[30].

Жамият ҳуқуқий онги ва маданияти мазмунининг асосий унсурларидан бири юридик ҳуқуқ ва маданиятларга субъектив руҳий муносабат, ҳуқуқий фаолият давомида уларнинг амалга оширилишидир. Аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бўлган муносабати ҳуқуқий ҳаётнинг барча ҳодисаларини баҳолашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали унинг маданий қадрият сифатида ҳуқуққа бўлган, ундаги талабларга нисбатан руҳий муносабатни очиб беради. Қонунийликка, ҳуқуқий тартиботга ва жамият маънавий ҳаётининг ҳуқуқий соҳаларига бўлган муносабати аниқланади. Юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларга бўлган субъектив руҳий муносабат унинг ҳуқуқий фаолият орқали амалга оширилиши шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан қадриятларни баҳолашни очиб берибгина қолмай, балки маданиятнинг фаолият, юриш-туриш билан боғлиқ томонларини аниқлайди. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга ҳуқуқ, эркинлик, мажбуриятлар орқали ёндашиш ҳуқуқий маданият аҳолининг ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятининг муҳим усулларидан бири эканлигини кўрсатади.

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар аҳолида жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётига кириши воситалари ва имкониятларидир. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти тўғрисида гап борганда, биринчидан, унинг ўз ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини билиши, тушуниши ва тўғри аниқлаши, баҳолаши, иккинчидан эса, улардан амалий фаолиятда фойдаланиши ҳақида сўз юритиш жоиздир.

Жамиятнинг манавий ҳаётида аҳолининг юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти асоси ва ўзига хос томонлари қуйидаги кўринишларда ўз аксини топади: Биринчидан, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, яни ҳуқуқий билимларини ўзлаштириб олиш, маълумотларга эга бўлишдир. Юридик саводхонлик ҳуқуқий билимлар алифбосини, юридик нормаларни билишни, ҳуқуқий кўрсатмаларни мураккаб лабиринтида барча зурур ҳолатларда мутахассисга ёрдам сўраб мурожаат қилиш эҳтиёжини ўзида шакллантиришни тақазо қилади.

---

[30] Тожихонов У. Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. – Тошкент: ЎзРИИВ академияси, 1998. Т. 1. – 28 б.

...саводхонлик унинг ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз хатти-ҳаракатини белгилаб олишда ҳамда жамиятда мувофиқ келадиган эталонларга суянишга имкон беради.

Хуқуқий саводхонлик ҳуқуқнинг умумий қоидаларини ва норматив актларнинг моҳиятини билиш, яъни туриб, давлат ҳамжамияти органлари ва бошқарувнинг функциялари, тизими ҳақида тушунчага эга бўлмасалар, ҳуқуқий нормаларни ҳаётда қўллаш бўйича малакага эга бўлмаган бўлсалар, у ҳолда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ҳақида гапириш мумкин эмас. Ҳуқуқий онгда саводхонлик маълум бир ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқ нормалари ҳақида маълумотга эга бўлишнигина эмас, балки турли хил ҳуқуқий кўринишлар, жамият ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосларини ривожланиши тўғрисида хабардорлик ҳам назарда тутади. Демократиянинг замонавий ривожланиши босқичида аҳолининг ўзига керакли ҳуқуқий билимларга эга бўлиши етарли эмас. Умуман, ҳуқуқий тизимнинг мақсади, ҳуқуқий билимлардан иборат эканлигини тушуниб етиш муҳимдир.

Шундай қилиб, юксак ҳуқуқий онг ва саводхонлик ҳуқуқий билимларга эга бўлиш ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этади ва жамиятда инсонларнинг хулқ-атворига ўзига хос таъсир ўтказади. Юксак ҳуқуқий саводхонлик амал қилиб турилган қонунларни ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш ва ҳуқуқ тартибот соҳасидаги бошқа фаолият турлари ёрдамида амалга оширилади.

Иккинчидан, аҳолида қонунларга бўлган ҳурматни юксалтириш, қонунга ҳурмат билан бу ҳурматни амалда намоён этишнинг ўзи ҳуқуқий маданиятнинг олий даражада бўлишидир. Ҳуқуққа ҳурмат шахс ҳуқуқий маданиятининг муҳим хусусиятларидан бири. Бу эса ҳуқуқнинг ижтимоий қадр-қимматини, уни кўрсатмаларини бажаришнинг фойдалилигини ҳуқуқ билан қониққанлик туйғусини, ундаги талабларнинг адолатлилиги, қонуний ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширишда фаол ва ижодий муносабатни тан олишдан иборат.

Учинчидан, қонунга итоаткорлик масаласи бу қонунга жамиятнинг ижтимоий муносабатлари ва ҳуқуқий онгни ривожланиши жараёнида шаклланадиган ҳодисадир. Бугунги кунда шундан келиб чиқиб, ҳуқуқшунослик соҳасида бу масалани ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аҳолининг қонунга итоаткорлиги унинг юксак ҳуқуқий онги, жамият ва давлат манфаатларини чуқур тушуниб етиш, ижтимоий бурч, давлат ва жамият олдидаги жавобгарлик туйғуларида намоён бўлади. Ҳар бир қонунга итоат, шахс ҳуқуқий нормаларига риоя этиш фақат халқ ва жамият манфаатларига эмас, балки ўзининг манфаатларига хизмат қилишини яхши тушунади. Шу билан бирга қонунга кўр-кўрона итоат эмас, балки унинг моҳиятини тушуниб, талабларини онгли равишда бажариш лозим. Афсуски, кўп ҳолларда шу нарса кузатиладики, улар қонунларнинг моҳиятини тушуниб етмайдилар, балки қонун олдидаги жавобгарликдан қўрқиб риоя қиладилар. Ҳолбуки, ҳуқуқ жамият фаровонлигини таъминлаш, халқ иродасини ифода этувчи куч эканлигини англаб етмайдилар. Шу сабабли фуқаролар жазоланишдан қўрқиб эмас, балки ихтиёрий равишда қонун нормаларига амал қилишлари зарур.

Тўртинчидан, аҳоли ўзининг ўзлаштирган ҳуқуқий билимларини ҳаётга татбиқ эта олиши шарт. Бу фуқаролар кундалик хулқ-атворларининг қонун ҳужжатларидаги талабларга мувофиқлигига, ҳар хил ҳаётий вазиятларда ўзларини тўғри тутишларига имкон беради.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ҳуқуққа доир билимларни шунчаки ўрганиб олиш эмас, балки улардан ҳуқуқ тартиботни ва қонунийликни мустаҳкамлашга онгли суръатда ўзлаштирилган амалий фаолиятда фойдалана билишдир. Ҳуқуқий билимлар ишонч ва шу билимларни мутлоқлаштириш, жамиятнинг ҳуқуқий онгини ҳуқуқий билимлардангина иборат деб қўйишнинг реал замини йўқ, чунки улар аҳолининг амалий фаолиятида юзага чиқмаса, фойдасиздир.

Бешинчидан, фуқароларнинг юксак даражадаги ҳуқуқий фаоллик масаласи, аҳолининг ташаббускорлиги ва ижодий фаолиятида ўз аксини топади. Ҳуқуқий тарбияда асосий эътиборни улар олаётган билимларнинг ҳаётда қандай қўлланилаётганлигига қаратиш керак. Аҳолини юксак даражада ҳуқуқий маданиятга эга, деб агарда уларнинг ҳуқуқий онги ҳуқуқий

хаётда фаол вазифаларини бажаришга қодир бўлсагина айтиш мумкин. Шахснинг ҳуқуқий онги унинг ижтимоий фаолиятида қарор топган ва шаклланган бўлса, ажралмайди. Шунинг учун аҳолининг ҳуқуқий тартиботда, хаётда фаол иштироки улар ҳуқуқий онги ривожи самарасидир.

Жамиятнинг маънавий хаётида шахснинг ижтимоий фаоллигига катта эътибор берилмоқда. Умуман, ижтимоий фаоллик деганда инсоннинг ишлаб чиқариш, меҳнат, ижтимоий-сиёсий, маданий, мафкуравий соҳалардаги фаоллигини йиғиндисини тушуниш мумкин. Шунингдек, фаоллик ва ташаббускорлик тушунчалари ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунки ташаббускорлик асосини фаоллик ташкил этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, биринчидан, жамиятнинг маънавий хаёти соҳалари турли хил онг шакллари орқали ҳам намоён бўлади ва унинг ривожи даражасига бевосита боғлиқ бўлади, иккинчидан юксак ҳуқуқий онг ва саводхонлик ҳуқуқий билимларга эга бўлиш ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этади, учинчидан жамиятнинг маънавий янгиланиши ҳуқуқий онгдаги ва ҳуқуқий маданиятдаги ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлиб, миллий маданий мерос ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигини таъминлайди. Бу жамиятнинг маънавий хаётининг янада ўзгариб, бойиб боришига тегишли шарт-шароит яратади ва жамиятнинг маънавий салоҳияти ошади, фуқаролар юксак маънавиятга эга бўлади. Бу мамлакатда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти қуриш мақсадларига хизмат қилади.

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА СОЦИАЛ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Ишонова Нодирахон Раймжоновна**
*Тошкент Давлат техника университетипрофессори,*
*Турон ФА академиги,фалсафа фанлари доктори,*
*"Фалсафа ва миллий ғоя" кафедрасининг мудири*

Бугунги кунда хотин-қизларимизни қийнайдиган кўплаб муаммоларнинг илдизи улар билимларининг етишмаслиги, ўз ҳуқуқларини етарли даражада талаб қила олмаслигига бориб тақалади. Афсуски, оилалаги ажримлар, келишмовчиликлар сабаб, қизларимиз, келажакда ишлаган ёки ишламаган тақдирда ҳам, олий маълумотли бўлса, оқилалик либосини кияди, кўпол гапирмайди, бир кўлида қайнонаси, чиройли оиланинг дилбар ва доно бекасига, ўзаро муносабатларда моҳир дипломатга айланади. Мустаҳкам оила қуришда айнан шу жиҳатлар ниҳоятда муҳим эканлигини йигитлар ҳам яхши тушунади, улар ҳам, ўз навбатида, ўзига яқин бўлган турмуш ўртоғи ва онасини ҳурмат қилади, эъзозлайди.

Жамият ва давлат бундай нохуш ҳолатларни олдини олиш учун нималар қилиши мумкин?

Бу каби нохуш ҳолатларни бартараф этишда ҳар бир тажрибали фуқоро билан қонуний йўлларни топишга ҳаракат қилишимиз зарур. Бунинг учун мамлакатимизда етарли имкониятлар яратиб берилган. Айнан шулардан келиб чиқиб, нималарни амалга ошириш лозим?. Аввало, қизларимизнинг таълимига, билим олишига, касб эгаллашига катта эътибор қаратиш лозим. Улар ўртасида турли мавзуларда кенг тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш зарур. Хотин-қизларимизни ҳаётга тайёрлашга барча тизим бирдек жавобгар бўлиши керак. Бунга бутун жамиятни жалб қилишнинг уддасидан чиқилса, аёллар масалалари билан шуғулланадиган махсус идорага ҳам ҳожат қолмайди.

Машҳур файласуф Ш. Фурье "Жамиятнинг тараққиёт ва маданий даражаси унда хотин-қизларга бўлган муносабат, уларнинг ҳур-бахтиёр ҳаёт кечириши учун яратилган шарт-шароит билан белгиланади" деганида, бизнингча, у ҳар жиҳатдан ҳақдир.

Аёлга бўлган муносабат жамиятга, шу жумладан, эркакка бўлган муносабатнинг кўриниши сифатида ҳар бир давр учун долзарб эди. Чунки хотин-қизларга бўлган муносабатнинг субъектлари эркаклар эди, ижтимоий ҳаётда етакчи мавқега эга бўлган

20. **Холмамат Раупов** ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ҚУВОНДИК САНАКУЛОВ – БИЗНИНГФАХРИМИЗ. . . . . . . . . . 94

21. **Сабир Тагиев** ТУРАН – СИМВОЛ ТЮРКСКОГО ГУМАНИЗМА. . . . . . . . . . 98

22. **Темур Тўрабоев** ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ СЎЗ БОЙЛИГИ ҚАНЧА?. . . . . . . . . . 107

23. **У. А. Утанова** ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ . . . . . . . . . . 109

24. **Рахмонали Ҳасанов** ТУРОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ТАЪСИС ЭТИЛИШИ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ҚЎЙИЛГАН ИЛК ҚАДАМ. . . . . . . . . . 112

25. **Икромиддин Остонакулов, Баходир Аюпов** ҚАЛДИБЕК ОҒА – ЎЗБЕКНИНГ АЛЛОМА ҚОЗОҒИ . . . . . . . . . . 116


***II-шўъба.*** **ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИДА ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАР, МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР, ТАРИХ, ФАЛСАФА, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ СОҲАСИДАДА ТУРОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ОЛИМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ**


26. **Ахмедов Юнусжон Шаробоевич, Ашуров Назар Рахматуллаевич** АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИ ВА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИ. . . . . . . . . . 119

27. **Абдуллаходжаев Гайрат Талипович** СТРАТЕГИЯ «НОВОГО УЗБЕКИСТАНА» - ПОСТРОЕНИЕ ГОСУДАРСТВА. . . . . . . . . . 125

28. **Ашуров Шухрат Саттарович, Уралов Хусан Бобокулович** АХЛОКИЙ-РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ ЗАМОНАВИ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ. . . . . . . . . . 126

29. **Бурханов Тахир Махамматжонович** ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШ ҲАРБИЙЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИДА ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРИНИНГ ЎРНИ. . . . . . . . . . 129

30. **Карабаев Усман Хасилович** НАРОДНАЯ МУДРОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ . . . . . . . . . . 132

31. **Курбанов Чиппулат Минасидинович** ИЗ ИСТОРИИ ТАМОЖЕННОЙ ПОЛИТИКИ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В СРЕДНЕЙ АЗИИ В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВВ . . . . . . . . . . 135

32. **Ахаджон Мамадалиев** ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШДА ЯНГИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ . . . . . . . . . . 140

33. **Гулистон Машарипова** ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРДА ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ . . . . . . . . . . 143

34. **Илхомжон Муродов** ДОНО УЧУН ХОТИРАДАН МУҲИМ ФАЗИЛАТ ЙЎҚ . . 146

35. **Д. Норкулов, С. Норкулов, Н. Бабаярова** ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК МАСАЛАЛАРИ . . . . . . . . . . 155

36. **Нишонова Нодирахон Райимжоновна** ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА СОЦИАЛ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ . . . . . . . . 158

37. **Нурматова Фаиза Ириковна** ПОНЯТИЯ ТЕСТА И ТЕСТИРОВАНИЯ . . . . . . 161

38. **Ҳабибулло Ражабов** АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА АХБОРОТНИНГ ТАЪСИР ИМКОНИЯТЛАРИ . . . . . . . . . . 164

39. **Raxmonov Azamat Ruzvonovich** AVESTODA INSON KAMOLOTI XAQIDAGI MASALALAR . . . . . . . . . . 168

40. **Режаметова Ирода Икрамчиковна** ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПАТРИОТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ УЧАЩИХСЯ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ . . . . . . . . . . 170